



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

12 (74) 2024

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ NEW DAY IN MEDICINE

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

12 (74)

2024

ноябрь

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com> E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

УДК 616-001.513: 616.586:616.13

БИЛАК СУЯКЛАРИ ДИСТАЛ УЧИДАН СИНГАН БЕМОРЛАРДА ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИ АЛГОРИТМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Тешаев Азамат Азамович <https://orcid.org/0000-0003-2536-3425>

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш.,
А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

Билак суяклари дистал охиридан синишларининг юқори частоталиги бўйича кекса ёшли беморлар ва болалар орасида етакчилик қилади. Жароҳатнинг ўткир даврини етарли даражада баҳолай олмаслик, даво усулини тўғри танлай олмаслик, узоқ муддатли иммобилизацияни амалга ошириш кабилар кейинчалик қўл кафт-бармоқлари ва билак-кафт бўғимларининг дисфункцияси ва контрактураси каби ногиронликка олиб келади, 15-18% да ногиронлик ўз вақтида ва етарли даражада даволанмаслик билан боғлиқ.

Калит сўзлар: Билак суяги, дистал учи, ташхислаш, даволаш ва алгоритм.

РАЗРАБОТКА АЛГОРИТМА ДИАГНОСТИКИ И ТАКТИКИ ЛЕЧЕНИЯ ПАЦИЕНТОВ С ПЕРЕЛОМАМИ КОСТЕЙ ЗАПЯСТЬЯ С ДИСТАЛЬНОГО КОНЦА

Тешаев Азамат Азамович <https://orcid.org/0000-0003-2536-3425>

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан,
г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

Кости запястья лидируют среди пожилых пациентов и детей по частоте переломов с дистального конца. Такие, как неумение адекватно оценить острый период травмы, неумение правильно выбрать метод лечения, выполнение длительной иммобилизации, приводят затем к инвалидности, такой как дисфункция и контрактура суставов ладоней и предплечий, инвалидность в 15-18% случаев связана со своевременным и неадекватным лечением.

Ключевые слова: кость запястья, дистальный отдел, диагностика, алгоритм лечения.

DEVELOPMENT OF AN ALGORITHM FOR DIAGNOSIS AND TACTICS OF TREATMENT OF PATIENTS WITH FRACTURES OF THE WRIST BONES FROM THE DISTAL END

Teshaev Azamat Azamovich <https://orcid.org/0000-0003-2536-3425>

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi. 1
Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Resume

The bones of the wrist are leading among elderly patients and children in terms of the frequency of fractures from the distal end. Such as the inability to adequately assess the acute period of injury, the inability to choose the right treatment method, performing prolonged immobilization, then lead to disability, such as dysfunction and contracture of the joints of the palms and forearms, disability in 15-18% of cases is associated with timely and inadequate treatment.

Keywords: wrist bone, distal region, diagnosis, treatment algorithm.

Долзарблғи

Бугунги кунга келиб, дунёда билак суяклари дистал охиридан синишларини даволашга доир кўплаб тавсиялар мавжуд, аммо консерватив тактика ва жарроҳлик усулларини танлаш бўйича ҳамфикрлилик мавжуд эмас. Сўнгги йилларда билак суяклари дистал охиридан бўғим ичидан синишларини даволаш бўйича кўплаб жарроҳлик даволаш усуллари таклиф қилинган бўлиб, улар шартли 2 асосий гуруҳга ажратиш мумкин: 1 – ёпиқ усулда, ташқи фиксаторларни қўллаб ўчоқдар ташқари компрессион дистракция (КДО) остеосинтез қилиш усули (турли хил модификациядаги ташқи фиксацияловчи аппаратлар орқали), 2 – очик усулда, ички суяк усти(воляр ва дорзал пластиналар) фиксация усули ҳамда суяк ичи(тери орқали кесишувчи кегайлари билан) остеосинтези [1.3.5.7].

Билак суяклари дистал охиридан (БСДО) синганда, ўчоқдан ташқари КДО усулидан фойдаланиш учун биомеханик асос-бу кичик бўлакларнинг лигаментотаксисдан фойдаланиш-уларнинг пай-бойлам аппаратларининг юмшоқ тўқима тузилмалари билан алоқасини сақлаб қолиш орқали уларнинг тортишидир. Фаол дистракция пайтида VEGF намоён бўлиши асосан бирламчи минерализация зонасидаги етук остеобластларда жойлашади, бу VEGFнинг асосий манбаи, дистракция қилинадиган соҳада жойлашган остеобласт хужайралари эканлигини кўрсатган.

Ўрганилган адабиётлар таҳлилидан яна бир цитокин – фибриноген ўсиш фактори(FGF)нинг муҳим функцияси аниқланиб, унинг тизимли ёки тери ости инъекциялари остеогенезни кучайтириши мумкинлиги маълум бўлди. Бундан ташқари, FGF VEGFA ифодасини назорат қилиш орқали ангиогенезда иштирок этади деб тахмин қилинади. βFGF қон томирларининг ўсишини рағбатлантириши ва жароҳатни битиши учун муҳим ангиоген омиллар бўлган VEGF ёки тромбоцитлар ўсиш омили (ТЎО) билан синергик таъсир кўрсатиши адабиётлар таҳлилидан маълум бўлган [2.4.6.8].

Тадқиқот мақсади: Билак суяклари дистал охиридан синишларининг клиник ва иммунопатогенетик кечиш хусусиятларини инобатга олиб таъхислаш ва даволаш усуллариға дифференциал ёндашув орқали даво натижаларини яхшилаш.

Материал ва тадқиқот усуллари

Айтиш жоизки, аксарият олимлар остеосинтез усулларининг хилма-хиллигига ишора қилиб, мутақо янги, замонвий ҳамда остеорегенерацияға салбий таъсир қилмайдиган фиксацияловчи мосламаларнинг яратиш замонавий травматологиянинг истиқболли йўналиши деган хулосаға келишган.

Билак суяклари дистал учидан синишлари жароҳат оғирлиги ва суяк бўлакларининг силжиш туриға кўра хилма - хил бўлиб, турли даво тактикаларини танлашни талаб қилади. Оптимал даво усулининг мавжуд эмаслиги даволанишдан кейинги турли хил асоратлар келиб чиқиши мумкин, ҳатто билак қафт бўғими турғун контрактурасига олиб келади.

Ҳозирги кунда мавжуд турли илмий мактаблар муаллифлари томонидан ишлаб чиқилган таснифлар даво усулиға кўрсатмалар ишлаб чиқиш ва даво усулини танлаш учун хизмат қилади ҳамда шикастланган сегментни ҳар томонлама 1-расм. тавсифлашға ўз хиссасини қўшади. Бу таснифлар асосида таъхислаш ва даволаш усулини танлаш тактикаси алгоритми ишлаб чиқилди (1-расм).

Натижа ва таҳлиллар

Ишлаб чиқилган таъхислаш ва даво тактикасини танлаш алгоритмиға кўра, клиник текширув ва рентгенография, МСКТ маълумотлари тўплангандан сўнг, беморлардаги жароҳатнинг оғирлиги, хусусияти ва суяк бўлакларининг силжиш характериға кўра 4 турға бўлинди:

I тур - билак суяклари дистал метафизидан бўғимдан ташқари суяк бўлакларининг бурчак ҳосил қилиб синишлари, бунда синик соҳаси барқарор бўлиб, репозиция учун қулай деб ҳисобланди (Smith ва Colles синишлари).


II тур - билак суяклари дистал метафизидан, бўғимдан ташқари олд ва ён текисликлар бўйлаб суяк бўлакларининг силжиши билан юзаға келадиган синишлар. Бунда синиш беқарор бўлиб, уларни қайта репозиция қилиш имконсиз (Smith ва Colles синишлари).

III тур - билак суяклари дистал учи, бўғим ичи олд ёки ён текисликлар бўйлаб катта суяк бўлаклари ҳосил қилиб синишлари (Barton ва Hutchinson синишлари).

IV тур - билак суяклари дистал учи компрессион, бўғим ичи синишлари ёки синиб чиқишлари, кўпчилик ҳолларда суяк бўлаклари репозициясига эришиб бўлмайди.

Билак суяклари дистал учидан синишларни ташхислаш ва даво тактикасини танлаш алгоритмига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан DGU 14312-рақамли (12.28.2021 йил) гувоҳнома берилди. Ушбу алгоритм даво усуллариغا кўрсатмалар ишлаб чиқиш ва жарроҳлик амалиётини танлашга улкан ҳисса қўшади.

Билак суяклари дистал учидан синган беморларни ташхислаш ва даволаш тактикасини танлаш алгоритми



Хулоса

Билак суяклари дистал учидан синган беморларда компрессион - дистракцион усулини такомиллаштириш орқали жарроҳлик амалиёти инвазивлиги даражаси ишонарли даражада пасайди, амалиёт билан боғлиқ асоратлар улуши сезиларли қисқарди, беморлар цитокин статусининг меъёрлашиш тенденцияси исботланди. Амалиётдан кейинги даврда цитокин статуси ўзгаришлар натижаси ўчоқдан ташқари остеосинтез бажарилган беморларда ижобий динамикани кўрсатди, суяк консолидациясининг секинлашуви ҳамда жароҳат соҳасида яллиғланиш жараёни юзага келиши кузатилди. Асосий гуруҳ беморларида “аъло” сифат кўрсаткичи 95,2%, “яхши” 3,2% ва “қониқарли” 1,6% ни ташкил этгани ҳолда, воляр пластина билан остеосинтез ва кесишувчи сихларни қўллаб бажарилган жарроҳлик амалиётларидан ишонарли кўп бўлди, бу узок муддатли натижалар орқали самарадорлик юкори бўлганини асослади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Тешаев А.А., Асилова С.У., Хакимов Ш.К. Вопросы диагностики и тактики лечения переломов дистального конца костей предплечья //Тиббиётда янги кун - Бухара, Узбекистан. 2019;4(28):384-391. (14.00.22)
2. Teshaeв Azamat, Asilova Saodat, Akhmedov Shamshod. Hardware-Surgical Treatment For Fractures Of The Distal End Of The Forearm Bones //European Journal of Molecular Clinical Medicine - London, United Kingdom., 2020;7(3):3906-3913 (14.00.22)
3. Teshaeв Azamat Azamovich., Hamdamov Bakhtiyor Zarifovich. Dynamics of cytokine(IL-1 β , VEGFA and FGF) levels in patients with fractures of the distal end of the forearm bones depending on the type of surgery //American Journal of Medicine and Medical Sciences 2022;12(11). (14.00.22, 14.00.36)
4. Тешаев Азамат Аъзамович, Хамдамов Бахтиёр Зарипович. Роль иммунологических факторов роста при лечении переломов дистального конца костей предплечья //Биология ва тиббиёт муаммолари. – Самарқанд, 2022;6(140):197-203. (14.00.22, 14.00.36)
5. Тешаев Азамат Аъзамович. Значение факторов роста в комплексном хирургическом лечении переломов дистального конца костей предплечья //Тиббиётда янги кун - Бухара, Узбекистан. 2022;11(49):533-538. (14.00.22, 14.00.36)
6. Тешаев Азамат Аъзамович, Хамдамов Бахтиёр Зарипович. Билак суяклари дистал учидан синишларида турли даво усулларида кейинги иммунологик кўрсаткичларнинг қийёсий таҳлили //Вестник ТМА. 2022;8:185-189. (14.00.22, 14.00.36)
7. Тешаев Азамат Аъзамович, Хамдамов Бахтиёр Зарипович Сравнительный анализ иммунологических показателей после различных методов лечения при переломах дистального конца костей предплечья //Journal of Medicine and Inovations. 2022;4(8)422-432. (14.00.22, 14.00.36)
8. Teshaeв Azamat, Asilova Saodat, Hakimov Sherali. Apparatus and Surgical Treatment for fractures of the distal end of the forearm bones //Middle European Scientific Bulletin - Praha, Czech Republic., 2022 June;25:178-190. (14.00.22)

Қабул қилинган сана 20.11.2024